



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари	5
<b>Умар Худайбердиев</b> “Яшил” иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омиллари	9
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Зарина Муродовна Мухаммедова</b> Хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантиришда электрон иқтисодиёт воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	12
<b>Sirojiddin Abdullayevich Maxmudov</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitda elektron savdoning rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar	16
<b>Jonibek Adxam o'g'li Maxmudov</b> Mintaqani barqaror rivojlantirishda turizm sohasidagi tarkibiy o'zgarishlar va ularda raqamli texnologiyalarning ahamiyati	22
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Бекзод Низамкулович Атамуродов</b> Respublikamizda maxsus iqtisodiy zonalarining bugungi kundagi holati tahlili	28
<b>ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Камбағалликни қисқартиришда иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари	31
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Тулкин Саидахмедович Шарипов</b> Овқатлантириш хизматларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятлари	39
<b>Шохида Ильясовна Артикова, Дилафруз Бахриллоевна Абдуллаева</b> Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики	43
<b>Zafarjon A'zamovich Axmedov</b> Tibbiy xizmatlari bozorida iste'molchi (bemor)larning talabini baholash borasida yondoshuvlari	47
<b>Мурод Нозирович Ибрагимов</b> Совершенствование формы и содержания технического задания на оказание консультационных услуг	51
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда innovatsion jarayonlarning xususiyatlari	57
<b>Nasiba Ergasheva</b> Keytering outsorsing xizmatlarini rivojlantirishning zamonaviy tryendi sifatida	62
<b>Khudoynazar Ergashev, Azizbek Khabibullaev, Odiliya Soibnazarova</b> Supporting the service sector from the state government mechanism	66

## ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Ашур Али Рустам ўғли Латипов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти  
в.б., PhD

### КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада камбағалликни қисқартиришда иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик йўналишларига алоҳида аҳамият берилган. Бунда Ўзбекистонда, айниқса Самарқанд вилоятида аҳолининг сони, унда қишлоқ аҳолисининг таркиби, улардаги бандлик ва ишсизлик масалалари таҳлил қилинган. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг стратегик йўналишлари ҳам тизимлаштирилган. Амалга оширилган таҳлиллар ва олинган натижалар асосида тегишли хулосалар қилинган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бандлик, стратегия, ўзини ўзи банд қилиш, иқтисод, вилоятлар, солиқ, хизмат кўрсатиш, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш.

**Кириш.** Бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқартиришда иш билан бандлигини таъминлаш имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўлларида бири – бандлик муаммосини ҳал қилишга қаратилган. Буни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПҚ-3856-сон қарорига имзо чекди. Ушбу қарор бугунги кунгача 6 марта ўзгартирилиб, такомиллаштирилди. Бу қилинган ишлар бежиз эмас, чунки мамлакатимизда мавжуд аҳоли таркибида камбағал қатламини кескин қисқартириш ва уларни розилигига эришиш сиёсати кетмоқда. Бунга эришишнинг асосий йўлларида бири бандлик масаласини ҳал қилиш билан боғлиқдир. Юқоридаги қарорда “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш; хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш; қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш”<sup>2</sup> масаласи қатъий белгиланган. Шу нуқтаи назардан мазкур иш ўта долзарб ҳисобланади. Айниқса, ушбу масаланинг ҳал қилиниши қишлоқ ҳудудлар учун янада долзарб, чунки мамлакат аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда жойлашиши билан бирга бу ерда аҳолининг ўсиш суръати ҳам юқорилиги билан фарқ қилади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ўзини ўзи банд қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти борасида бир қанча Европа олилари Lucy Daniels Robert Perrucci, D. M. Wright, Suzan Lewis, Debra L. Nelson, Linda G. Rineo, Jamie Woodcock. МДХ олимларидан О.А.Смирнова, Е.М.Сидорова, В.С.Петров, А.И.Иванов кабилар<sup>3</sup>, тадқиқот олиб борганлар. Ўзбекистон олимларидан ушбу йўналишда

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3824637>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарори

<sup>3</sup> "Self-Employment for the Creative Individual" Lucy Daniels (31 Mar. 2005), The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings" Robert Perrucci, D. M. Wright, "Work and Family: An International Research Perspective" Suzan Lewis, Debra L. Nelson, "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business" Linda G. Rineo, "The Gig Economy: A Critical Introduction" - Jamie Woodcock, "Самозанятость как альтернатива традиционной занятости: преимущества и недостатки" -Смирнова О.А., "Семейная занятость и ее влияние на семейные отношения" - Сидорова Е.М., "Самозанятость как форма трудовой занятости: социально-экономический анализ" - Петров В.С., "Занятость населения: сущность, проблемы и пути решения" - Иванов А.И. ва бошқалар.

Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Хол-мўминов, Д.А.Артиқова, З.Я.Худойбердиев, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, Г.Қ.Абдурахмонова, Г.М.Шодиева кабилар<sup>1</sup> кабилар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида мамлакатимиз аҳолисини иш билан таъминлаш, ўзини ўзи банд қилиш каби йўналишлар ўз аксини топган. Бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқаришида бандликнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари етарли даражада очиб берилмаганлиги мазкур мавзуда чуқур илмий-тадқиқот изланишларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бундан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида қишлоқ аҳолисининг таркибий ўзгаришлари ва уларнинг камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирларини амалга ошириш йўллари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси. Қишлоқ аҳолиси бандлигини тадқиқ қилиш жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, замон ва макон, монографик ва мантикий ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилган. Мавзунинг долзарблигини исботлашда ва тегишли тавсияларни асослашда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, монографик таҳлил каби ёндошувлардан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Қишлоқ аҳолиси бандлигини тадқиқ қилиш жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, замон ва макон, монографик ва мантикий ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилган. Мавзунинг долзарблигини исботлашда ва тегишли тавсияларни асослашда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, монографик таҳлил каби ёндошувлардан ҳам фойдаланилди.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқартириш учун уларни иш билан таъминлаш, бандлигини ошириш имкониятларини аниқлашни тақозо қилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарорида “...қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан кўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очиш; ишчи кучи кўп бўлган худудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш, бунда ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улушини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш”<sup>2</sup> масаласи илгари сурилган.

Булардан ҳам кўришиб турибдики, ушбу ҳолат ўта долзарб масалалардан бирига айланди. Аммо қишлоқларимизда бир қанча муаммолар билан биргаликда хусусий-шериклик масаласида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли ушбу масалани Самарқанд вилояти мисолида батафсил тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Тадқиқотни амалга оширишда умумийликдан хусусийликка қараб тадқиқ қилишни

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: FAN. 2019; Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник. – Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2014. – 320 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2014; Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018; Артықова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ. – Т.: ТГЭУ. 2006; Худойбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. ИLMZIYO, 2016.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2012, Абдурахманова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2016, Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарори.

мақсад қилиб олдик. Олдин биринчи босқичда вилоятда яшайдиган жами аҳоли сони, шу жумладан, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сонини, иккинчи босқичда вилоят миқёсида қишлоқдаги аҳоли, аҳолининг сонидан тортиб ишсизларгача ва учинчи босқичда вилоятнинг қишлоқ туманларидан бирини ўрганиб, тегишли хулоса қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Вилоят аҳолисининг сони, шу жумладан меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сонининг 2016-2024 йиллардаги ўсиш суръати ҳақидаги маълумотлар таҳлили қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Самарқанд вилоятида жами аҳоли сони, шу жумладан меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сонининг 2016-2024 йиллардаги ўсиш суръати ҳақидаги маълумот<sup>1</sup>**

Йил-лар	Вилоят бўйича жами аҳоли		Шу жумладан					
			Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Иш билан банд аҳоли		Ишсизлар	
	сони, минг киши	ўсиш суръати, %	сони, минг киши	ўсиш суръати, %	сони, минг киши	ўсиш суръати, %	сони, минг киши	ўсиш суръати, %
2016	2949,1	100,0	1606,7	100,0	1102,7	100,0	72,9	100,0
2017	3011,0	102,1	1625,9	101,2	1136,0	103,0	76,2	104,5
2018	3072,6	104,2	1643,3	102,3	1164,5	105,6	89,7	123,0
2019	3138,1	106,4	1741,5	108,4	1194,3	108,3	131,5	180,4
2020	3207,1	108,4	1752,4	109,1	1186,4	107,6	122,6	168,2
2021	3273,4	111,0	1755,8	109,3	1148,9	104,2	143,4	196,7
2022	3377,6	114,5	1729,2	107,6	1161,3	105,3	130,3	178,7
2023	3749,1	127,1	1768,7	110,1	1248,9	113,2	138,4	189,8
2024	4118,4	139,6	2010,2	125,1	1489,5	135,1	153,3	210,3

Жадвалдан кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида жами аҳоли сони 2016-2024 йилларда 139,6 %га ўсган. Аммо меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръати 125,1 %га ўсган. Бу ҳолат туғулган болаларнинг сони меҳнатга қобилиятли ёшлар сонига нисбатан кўплигидан ва уларнинг ҳали меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлигидан далолат беради. Яна бир ҳолат иш билан банд аҳолининг сони 135,1 %ни ташкил қилади. Бу меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатан янги иш жойларини яратилиши меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсишига нисбатан камлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат мамлакатимизда янги иш ўринларини жадаллик билан яратишни тақозо қилади. Буни ишсизларнинг кўпайишида ҳам кўриш мумкин. Чунки шу даврда ишсизлар сони 210,3 %га ошган. Бундай аҳволни ўнганмаса, мамлакат аҳолисини камбағалликдан ҳам чиқариш қийин бўлиб қолади.

Навбатдаги масала қишлоқ аҳолисининг аҳволи ҳақида ҳам тегишли ўрганишлар олиб борилганлиги бўлди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарорида келтирилган топшириғига амал қилиниб қишлоқларда ишсизликни ва камбағалликни камайтириш лозимлигига алоҳида аҳамият берган. Ушбу масалани ўрганиш учун биринчи галда барча аҳоли таркибида қишлоқ жойларида аҳолининг улуши, унинг ўсиш суръатини аниқлаш лозим бўлди. Буни Самарқанд вилояти аҳолиси таркибида қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли сони, улуши ва улушининг 2016-2024 йиллардаги ўзгаришининг ҳисоб-китобида ҳам кўриш мумкин (2-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилишга оид хизматларнинг 6 та асосий турга эга бўлиб, булар ижтимоий йўналишлар

<sup>1</sup> Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

2-жадвал

Самарқанд вилояти аҳолиси таркибида қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли сони ва улушининг 2016-2024 йиллардаги ўзгаришининг ҳисоб-китоби<sup>1</sup>

Йиллар	Жами аҳоли, вилоят бўйича		Вилоятда қишлоқда яшайдиган аҳоли		
	сон, минг киши	ўсиш суръати, %	сон, минг киши	ўсиш суръати, %	барча аҳоли таркибидаги улуши, %
2016	2949,1	100,0	1716,4	100,0	58,2
2017	3011,0	102,1	1803,6	105,1	59,9
2018	3072,6	104,2	1846,6	107,6	60,1
2019	3138,1	106,4	1939,3	113,0	61,8
2020	3207,1	108,7	2004,4	116,8	62,5
2021	3273,4	111,0	2062,2	120,1	63,0
2022	3377,6	114,5	2134,6	124,4	63,2
2023	3749,1	127,1	2319,2	135,1	61,8
2024	4 118,4	139,6	2746,2	159,9	66,7

бўйича хизматлар, саноат йўналиши бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар, ахборот комуникация йўналиши бўйича хизматлар, маиший хизматлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш кабилардан иборат экан. Ушбу соҳалардаги хизматлар кўрсатиш йўналишлари бўйича аҳолининг бандлик улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу куйидагилардан иборат (3 жадвал).

3-жадвал

Иқтисодийнинг турли соҳаларида мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аҳолининг 2024 йилдаги таркибий тузилиши<sup>2</sup>

Т/р	Соҳалар ва тармоқларнинг номи	Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг сони, киши	Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг таркиби, %
1.	Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар	53531	14,01
2.	Саноат йўналиши бўйича хизматлар	39705	10,40
3.	Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар	87545	22,91
4.	Ахборот комуникация йўналиши бўйича хизматлар	10357	2,73
5.	Маиший хизматлар	160650	42,06
6.	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	30163	7,89
	<b>ЖАМИ</b>	381951	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти аҳолиси таркибида қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли сони кўпайиш тенденциясига эга. Шу даврда қишлоқ аҳолиси 139,6 %га ўсган, унинг жадаллик коэффициенти 1,145 ни (159,9/139,6) ташкил қилади. Натижада қишлоқ аҳолисининг улуши ҳам 2016-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2016 йилда 58,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб 66,7 %гача ошган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолиси жадаллик билан ўсиб бормоқда. Шу туфайли шаҳарга нисбатан қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринларини кўпроқ яратиш лозим бўлади. Аммо қишлоқ аҳолисини фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида банд қилишнинг имконияти йўқ. Қишлоқда аҳоли муттасил ўсиб бормоқда, аммо ҳосилдор ерлар кўпайиши жуда секин амалга ошади. Янги ерларни ўзлаштиришда сув танқислиги каби муаммолар

<sup>1</sup> Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Давлат статистикаси кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

бунга йўл қўймайди.

Шу туфайли мазкур ҳудудларда бандлик масаласини ҳал қилиш ҳам ўзига хос мураккабликларга эга. Чунки қишлоқ жойлардаги ерлар экин учун ҳам яйлов учун ҳам керак бўлади. Яйловни ҳам экин экиладиган майдонларни ҳам қисқартиришнинг имкони йўқ. Шу туфайли қишлоқларда янги иш ўринларини очишда саноат корхоналари ҳисобига амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги пайтда Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг 2016-2024 йиллардаги ҳолати ҳақидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида бир қанча масалаларга аниқлик киритиш ва аниқ ташхис қўйиш мумкин (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг 2016-2024 йиллардаги ҳолати ҳақидаги маълумот<sup>1</sup>**

Йиллар	Вилоят бўйича қишлоқда яшайдиган аҳоли		Шу жумладан					
			Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Иш билан банд аҳоли		Ишсизлар	
			сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	улуши, %
2016	1716,4	100,0	802,1	46,73	862,6	50,26	51,7	3,01
2017	1803,6	100,0	836,7	46,39	910,3	50,47	56,6	3,14
2018	1846,6	100,0	874,0	46,84	920,0	49,82	61,7	3,34
2019	1939,3	100,0	928,5	47,88	936,5	48,29	74,3	3,83
2020	2004,4	100,0	945,7	47,18	980,4	48,91	78,4	3,91
2021	2062,2	100,0	965,3	46,81	1013,0	49,12	83,9	4,07
2022	2134,6	100,0	958,4	44,90	1091,2	51,12	85,0	3,98
2023	2319,2	100,0	974,6	42,02	1165,5	50,25	91,7	3,95
2024	2746,2	100,0	1101,3	40,10	1261,4	45,93	383,5	13,97

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг 2016-2024 йиллардаги ҳолати ҳақидаги маълумот бу борада вилоятимизда аҳволнинг аниқ ҳолатини кўрсатиб турибди. Чунки меҳнатга қобилиятли аҳолининг улуши 2016 йилда 46,73 %ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб 40,10 %га тушиб қолган. Бунга сабаб болаларнинг кўпайганлиги ёки кекса авлоднинг умумий аҳоли таркибида ошганлигидан далолат беради. Қишлоқ жойларда банд аҳолининг сони ва умумий аҳоли ўртасидаги улуши ошган. 2016 йилда иш билан банд аҳолининг улуши 50,26 %ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 45,93 %га тенг бўлган. Бу салбий ҳолат. Аммо ишсизлар сони ва улушининг ўсиши ҳали мазкур соҳада анча муаммолар борлигидан далолат беради. 2016 йилда қишлоқда ишсизлар сони аҳолининг умумий сонига нисбатан 3,01 %ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб пандемия таъсири туфайли 13,97 %гача кўпайган. Бу меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатан 2016 йилда 6,45 %ни (51,7\*100/802,1) ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 34,8 %ни (383,5\*100/1101,3) ташкил қилмоқда. Вилоятнинг қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишга, унга саноатни олиб киришга катта аҳамият бериш лозим бўлади. Чунки, юқорида таъкидланганидек, фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан бундай иш ўринларини яратиш бирор қийинчилик туғдиради. Шунингдек, қишлоқда ҳунармандчилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам бир қанча ўзига хос йўналишларини ҳам ривожлантиришни тақозо қилади.

<sup>1</sup> Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

Самарқанд вилоятида Булунғур тумани ўзига хос туманлардан бири. Биринчидан, у катта йўл ёқасида жойлашган бўлса, бир қисми тоғ бағрида жойлашган. Иккинчидан, туман маркази шаҳар типигаги кўрғонлардан бири сифатида тегишли инфратузилмаларга ҳам эга. Буларни инобатга олиб, Булунғур туманида қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг 2016-2024 йиллардаги ҳолатини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

**Булунғур туманида қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг 2016-2024 йиллардаги ҳолати ҳақидаги маълумот<sup>1</sup>**

Йил-лар	Жами аҳоли		Шу жумладан					
			Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Иш билан банд аҳоли		Ишсизлар	
	сони, минг киши	Ўсиш суръ-ати, %	сони, минг киши	Ўсиш суръ-ати, %	сони, минг киши	Ўсиш суръ-ати, %	сони, минг киши	Ўсиш суръ-ати, %
2016	170,0	100,0	80,9	100,0	59,9	100,0	4,3	100,0
2017	173,7	102,2	81,9	101,2	61,8	103,2	4,5	104,7
2018	177,2	104,2	82,8	102,3	63,3	105,7	5,3	123,3
2019	180,8	105,9	101,5	125,5	70,6	117,9	8,0	186,0
2020	184,5	108,5	102,2	126,3	71,0	118,5	7,0	162,8
2021	187,9	110,5	103,4	127,8	67,3	112,4	8,2	190,7
2022	193,3	113,7	93,9	115,5	63,1	105,5	7,1	165,1
2023	195,2	114,8	94,2	116,4	63,4	105,8	7,1	165,1
2024	199,6	114,9	95,4	115,2	64,1	106,4	7,2	167,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Булунғур туманида қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли сони 2016-2024 йилларда 114,9 %га ўсган. Аммо меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръати шу даврда 115,2 %ни ташкил қилмоқда. Лекин иш билан банд аҳоли 2019 йилгача тизимли равишда ўсиб келган ва 118,5 %ни ташкил қилган. Аммо 2020 йилдан бошлаб камайиш рўй берган ва 2024 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати 106,4 %ни ташкил қилади, холос. Натижада ишсизлар сони ушбу туманда ҳам ошиб кетган. Шу даврда унинг ўсиши 167,4 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сониининг ҳолати, мазкур туманда асосан ишсиз аҳолининг ўсиши сезилмоқда. Мазкур туманда аҳоли асосан қишлоқларда яшашади. Бу ердаги аҳвол ҳам Самарқанд вилоятидаги аҳвол сингари кўплаб янги иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади. Чунки ишсиз аҳоли қанча кўпайса шу ҳудудда камбағаллик ҳам шунчалик кўпаяди. Аммо бугунги кунда ушбу ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган “Янги Ўзбекистон”нинг иқтисодий-ижтимоий сиёсати одамларни рози қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шу туфайли мазкур масала, яъни иш билан бандликни кўпайтириш масаласи ҳар бир ҳудуд учун муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқартиришда иш билан бандлигини таъминлаш имкониятларини тадқиқ қилиб, бир қанча хулосаларга келинди.

Биринчидан, Самарқанд вилоятида жами аҳоли сони 2016-2024 йилларда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлганлиги ҳудудда туғулган

<sup>1</sup> Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

болаларнинг сони меҳнатга қобилиятли ёшлар сонига нисбатан кўплигидан далолат беради. Шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсишига нисбатан янги яратилган иш жойларининг сони барча аҳолининг ўсишига нисбатан камлигидни кўрсатиб турибди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда жадаллик билан янги иш ўринларини яратишни тақозо қилади. Акс ҳолда, мамлакат аҳолисини камбағалликдан чиқариш мураккаб бўлиб қолади.

Иккинчидан, Самарқанд вилояти аҳолиси таркибида қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли сони кўпайиш тенденциясига эгаллиги, айнан қишлоқ жойларга катта эътибор беришни ва у ерда янги иш ўринларини яратишни тақозо қилади. Чунки, қишлоқ аҳолисининг умумий аҳоли ўсишига нисбатан тез ўсганлиги натижасида қишлоқ аҳолисининг улуши ҳам 2016-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, шаҳарга нисбатан қишлоқ жойларда янги иш ўринларини кўпроқ яратиш лозим бўлади.

Учинчидан, Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сонининг 2016-2024 йилларда болаларнинг кўпайганлиги ёки кекса авлоднинг умумий аҳоли таркибида ошганлиги туфайли қишлоқ жойларда банд аҳолининг сони ва умумий аҳоли ўртасидаги улуши ошган. Аммо ишсизлар сони ва улушининг ўсиши ҳали мазкур соҳада анча муаммолар борлигидан далолат беради. Буларни ҳал қилишнинг бир йўналиши вилоятнинг қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишга, унга саноатни олиб киришга катта аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади. Чунки фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан бундай иш ўринларини яратиш бирор қийинчилик туғдиришини инобатга олиб, қишлоқда ҳунармандчилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам ривожлантиришни мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Булунғур туманида қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли сони 2016-2024 йилларда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръатига нисбатан бироз кам. Лекин иш билан банд аҳолининг ўсиш суръати нотекис тенденцияга эга бўлган. Натижада ишсизлар сони ушбу туманда ҳам ошиб кэтганлигига гувоҳ бўлдик. Мазкур туманда аҳоли асосан қишлоқларда яшашини инобатга олиб, янги иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки ишсиз аҳоли қанча камайса шу худдудда камбағаллик ҳам шунчалик камайиб боради. Ушбу ҳолат бўйича “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига асосан камбағалликни қисқартириш юзасидан бир қанча стратегик йўналишлар ишлаб чиқилди. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

<b>Мамлакатимизда аҳоли бандлигини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартиришнинг стратегик йўналишлари.</b>	Аҳолини давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш.
	Касб-ҳунарга ўқитишда хусусий сектор улушини 30 фоизга етказиш.
	2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш.
	Камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш чораларини кўриш
	Ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш.
	Меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 7 фоизгача тушириш.

	Касбга ўқитиш марказларининг ўқитувчиларини халқаро стандартлар асосида малакасини ошириш.
	Аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш учун ҳар бирини замонавий касб-хунарни ўрганиши учун тегишли шароитларни яратиш

**1-расм Мамлакатимизда аҳоли бандлигини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқарти-ришнинг стратегик йўналишлари.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://lex.uz/docs/3824637>
2. <https://xs.uz/uzkr/post/khizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-bojicha-ustuvor-jonalishlar-belgilandi>
3. Robert Perrucci, D. M. Wright “The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings”.
4. Linda G. Rineo "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business", Jamie Woodcock, "The Gig Economy: A Critical Introduction".
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/09/27/mahalla/>
4. Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари. Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи», 2020. – 278 б.
5. Умурзаков Б.Х. ва бошқалар. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари. Монография. – Тошкент, «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.
6. Икрамов М.А., Пардаев М.Қ., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 470 бет.
7. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. “FAN BULOG‘I”: 2022. – 176 бет.
8. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68 бет.
9. Пардаев М.Қ., Пардаев Олим, Пардаева Озода. Ўзини ўзи банд қилиш йўллари. Илмий-амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 72 б. – 4,5 б.т.
10. Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси маълумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz) [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

<b>А.Латипов</b>	<b>A.Latipov</b>
<p><b>Стратегические направления обеспечения занятости в сфере сокращения бедности</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье особое значение придается стратегическим направлениям обеспечения занятости в условиях сокращения бедности. При этом проанализировано население Узбекистана, особенно Самаркандской области, структура сельского населения, вопросы занятости и безработицы. Также систематизированы стратегические направления повышения занятости и сокращения бедности в нашей стране. На основании проведенных анализов и полученных результатов были сделаны соответствующие выводы и разработаны предложения.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> занятость, стратегия, самозанятость, экономика, регионы, налоги, бедность, сокращение бедности.</p>	<p><b>Strategic directions for providing employment in the field of poverty reduction</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article attaches particular importance to strategic directions for ensuring employment in the context of poverty reduction. At the same time, the population of Uzbekistan, especially the Samarkand region, the structure of the rural population, issues of employment and unemployment were analyzed. The strategic directions for increasing employment and reducing poverty in our country have also been systematized. Based on the analyzes carried out and the results obtained, appropriate conclusions were drawn and proposals were developed.</p> <p><b>Keywords:</b> employment, strategy, self employment, economy, regions, taxes, poverty, poverty reduction</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.